

**TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI**  
**«YOSH OLIMLAR TIBBIYOT JURNALI»**

**TASHKENT MEDICAL ACADEMY**  
**«MEDICAL JOURNAL OF YOUNG SCIENTISTS»**

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**  
**«МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ»**

**IXTISOSLASHUVI: «TIBBIYOT SOHASI»**

**ISSN: 2181-3485**

**Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil i5 sentabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi.**

**№ 8 (11), 2023**

«Yosh olimlar tibbiyot jurnali» jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2023 yil 5 maydagi 337/6-son karori bilan tibbiyot fanlari buyicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan.

Решением Президиума Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан от 5 мая 2023 г. № 337/6 «Медицинский журнал молодых ученых» внесен в перечень национальных научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам

## ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР

Шадманов Алишер Каюмович

## ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА

Шайхова Гули Исламовна

## ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ

Алимухамедов Дилшод Шавкатович

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

д.м.н., доцент Азизова Ф.Л.  
профессор Азизова Ф.Х.  
профессор Аллаева М.Ж.  
профессор Камилов Х.П.  
профессор Каримжонов И.А.  
профессор Каримова М.Х.  
профессор Набиева Д.А.  
профессор Нажмутдинова Д.К.

профессор Нуриллаева Н.М.  
профессор Тешаев Ш.Ж.  
профессор Хайдаров Н.К.  
профессор Хакимов М.Ш.  
профессор Хасанов У.С.  
д.м.н. Худойкулова Г.К.  
профессор Эрматов Н.Ж.  
профессор Маматкулов Б.М.

## ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Агишев И.А.  
Аглиулин Д.Р.  
Алейник В.А.  
Билолов Э.Н.  
Ганиев А.А.  
Инаков Ш.А.  
Искандарова Г.Т.  
Исраилов Р.  
Кайнарбаева М.С.  
Матназарова Г.С.  
Мирзоева М.Р.  
Мирмансур  
Муртазаев С.С.  
Орипов Ф.С.  
Отамурадов Ф.А.

д.м.н. (Казахстан)  
к.м.н. (Россия)  
профессор (Андижан)  
профессор (Ташкент)  
д.м.н. (Ташкент)  
PhD (Германия)  
профессор (Ташкент)  
профессор (Ташкент)  
к.м.н. (Казахстан)  
профессор (Ташкент)  
д.м.н. (Бухара)  
PhD (Индия)  
д.м.н. (Ташкент)  
д.м.н. (Самарканд)  
д.м.н. (Термез)

Парпиева Д.А.  
Рахимова Г.С.  
Рустамова М.Т.  
Саломова Ф.И.  
Сидиков А.А.  
Собиров У.Ю.  
Тажиева З.Б.  
Ташкенбаева У.А.  
Хасанова Д.А.  
Хасанова М.А.  
Хван О.И.  
Хожиметов А.А.  
Холматова Б.Т.  
Чон Хи Ким  
Юлдашев Б.С.  
Шадманов М.А.

д.м.н. (Ташкент)  
д.м.н. (Ташкент)  
д.м.н. (Ташкент)  
профессор (Ташкент)  
д.м.н. (Фергана)  
профессор (Ташкент)  
PhD (Ургенч)  
д.м.н. (Ташкент)  
д.м.н. (Бухара)  
д.м.н. (Ташкент)  
д.м.н. (Ташкент)  
профессор (Ташкент)  
д.м.н. (Ташкент)  
PhD (Южная Корея)  
д.м.н. (Ургенч)  
PhD (Андижан)

### Адрес редакции:

Ташкентская медицинская академия 100109, г.  
Ташкент, Узбекистан, Алмазарский район, ул. Фараби 2,  
тел.: +99878-150-7825, факс: +998 78 1507828,  
электронная почта: mjys.tma@gmail.com

**Toshkent tibbiyot  
akademiyasi**  
**«Yosh olimlar tibbiyot  
jurnali»**



**Tashkent Medical  
Academy**  
**«Medical Journal of  
Young Scientists»**

• № 8 (11) 2023 •

## МУНДАРИЖА – ОГЛАВЛЕНИЕ – CONTENTS

### КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА

<b>Азизова Р.Б., Хасанов Э.М., Атаниязов М.К., Асқаров Р.И., Шахрамбоев С.А. /</b> Бош мия сурункали ишемиясида доплераграфик кўрсаткичларнинг ўзига хослиги .....	6
<b>Шарипова О.А., Бахронов Ш.С., Бобомуратов Т.А. /</b> Особенности корреляционных взаимосвязей соматотропного, адренкортикотропного гормонов и кортизола между иммунологическими показателями у детей с рецидивирующим бронхитом .....	10
<b>Zuparov K.F., Karimov A.Yu. /</b> Qorin churralarida yengil va og‘ir polipropilen to‘rdan foydalanishda aponevroz usti alloplastikani klinik-laborator baholash.....	16
<b>Маҳкамов Н.Ж., Хужаназаров И.Э. /</b> Умуртқа поғонаси барча сегментлари касалликларининг клиник анамнестик таҳлилига креатив ёндашув.....	24
<b>Маҳкамов Н.Ж. /</b> Умуртқа поғонаси диск чуррасининг ташриҳида визуал ва патоморфологик солиштирма таҳхислаш .....	30
<b>Отамурадов А.З., Хасанова М.А., Алимухамедов Д.Ш. /</b> Шахси номаълум мурда текширувида тўш суягини ўрганиш орқали ёшни аниқлаш .....	35
<b>Исмоилова З.А., Тажиева З.Б. /</b> Корреляционная взаимосвязь между цитокиновым профилем и парциальными функциями почек при острой ренальной патологии в период COVID-19 у детей .....	41
<b>Khayitov I.B., Khayitov J.B. /</b> Laparoscopy for the removal of liver echinococcosis.....	46
<b>Маҳкамов Н.Ж., Хайруллаев А.А., Исраилов Р.И. /</b> Бўйин, кўкрак ва бел соҳалари дегенератив – дистрофик жараёнида диск чурраси тўкима таркибининг фаркланувчи кўрсаткичлари таҳлили .....	50
<b>Хакимов М.Ш., Ашуров Ш.Э., Абдукаримов Ж.Ш., Асатуллаев Ж.Р. /</b> Прогнозирование острого панкреатита после ретроградных вмешательств в лечение механической желтухи доброкачественного генеза.....	56
<b>Хакимов М.Ш., Саттаров О.Т., Якубов О.Э., Файзиев С.И. /</b> Чов-ёрғоқ чурралари хирургиясида эндовизуал технологиялар ёрдамида янгича ёндашув ва унинг клиник таҳлили.....	62

## ТЎШ СУЯГИНИНГ ТУРЛИ ҚИСМЛАРИНИНГ БИРЛАШИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЁШНИ АНИҚЛАШ

**Отамурадов Акрам Закирович**  
**Хасанова Мухаррама Алмаредановна**  
**Алимухамедова Мавжуда Паччаевна**

*Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент шаҳар филиали  
Тошкент тиббиёт академияси. Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация.** Скелет суяклари ўсиши жараёнидаги ўзгаришлар генетик, атроф-муҳит ва маданий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири натижасида содир бўлиши, шунингдек скелет суякларидagi ўзгаришларига асосланган маълумотлар учун ягона бўлган стандартни шакллантириш мумкин эмас. Бунга сабаб, ирқий, географик жойлашув, жинси, овқатланиш одатлари, овқатланиш ҳолати, юқумли касалликлар, жисмоний фаоллик, гормонал ва метаболлик касалликларга қараб, шунингдек суякларнинг ва суякларнинг бирлашишида сезиларли фарқлар мавжуд бўлишидир.

**Калит сўзлар:** тўш суяги, суякнинг ёшга боғлиқ ўзгарувчанлиги, суяк ёши, идентификация.

## ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВОЗРАСТА ПУТЕМ АНАЛИЗА СОЕДИНЕНИЯ РАЗЛИЧНЫХ ЧАСТЕЙ ГРУДИНЫ

**Отамурадов Акрам Закирович**  
**Хасанова Мухаррама Алмаредановна**  
**Алимухамедова Мавжуда Паччаевна**

*Ташкентский городской филиал Республиканского научно-практического центра  
судебно-медицинской экспертизы  
Ташкентская медицинская академия. Ташкент, Узбекистан*

**Аннотация.** В данной статье изменения в процессе роста костей скелета происходят в результате сложного взаимодействия генетических, средовых и культурных факторов, невозможно сформировать единый эталон информации на основе изменений костей скелета. Это связано с тем, что существуют значительные различия в окостенении и сращении костей в зависимости от расы, географического положения, пола, пищевых привычек, состояния питания, инфекционных заболеваний, физической активности, гормональных и метаболических нарушений.

**Ключевые слова:** грудина, возрастные изменения кости, костный возраст, идентификация.

## DETERMINATION OF AGE BY ANALYSIS OF THE CONNECTION OF DIFFERENT PARTS OF THE BREAST

**Otamuradov Akram Zakirovich**  
**Khasanova Muharrama Almaredanovna**  
**Alimukhamedova Mavjuda Pachaevna**

*Tashkent city branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical  
Examination  
Tashkent medical academy. Tashkent, Uzbekistan*

**Abstract.** *In this article, changes in the process of skeletal bone growth occur as a result of a complex interaction of genetic, environmental and cultural factors, it is impossible to form a single standard of information based on changes in the bones of the skeleton. This is because there are significant differences in bone ossification and fusion depending on race, geographic location, gender, dietary habits, nutritional status, infectious diseases, physical activity, hormonal and metabolic disorders.*

**Key words:** *sternum, bone age changes, bone age, identification.*

**Долзарблиги.** Ҳозирги вақтда номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлашнинг суд-тиббийёт ва экспертиза масалалари ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда, чунки қуролли тўқнашувлар, терактлар, табиий офатлар, техноген офатлар, жинсий қотилликлар сони юқори даражада қолмоқда. Номаълум мурдаларнинг ва тирик одамларнинг ёшини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришда қарийиб бир асрлик тажрибага қарамай, ўрганилмаган бир қанча муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар мавжуд. Ҳозирги вақтда ташқи параметрларни баҳолашнинг макроскопик ва морфологик усуллари етарли даражада аниқликка эга эмас. Баъзи усуллар бироз катта, бошқалари эса ёшни аниқлашда бироз кичикроқ ҳатоликларга эгадир. Бу эса инсоннинг биологик ёшини аниқроқ аниқлаш учун суд тиббийётида қўлланиладиган усулларни кўпайтириш ва янги тадқиқот усуллари янада ривожлантириш долзарблигини кўрсатади.

Суд тиббийёти ва антропологияда энг кўп қўлланиладиган усуллар тери, тўқималар, суяклар ёки ички органларнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичларини кўрсатиш орқали турли морфологик, ёшга боғлиқ ўзгаришларни визуал аниқлашга асосланган.

**Тадқиқот мақсади.** Инсон тўш суягининг турли қисмларини бирлашишини ўрганиш орқали, ёшни аниқлаш ҳолатларида суд-тиббий экспертизаларни ўтказишни такомиллаштиришдан иборат.

**Материали ва усуллари.** Республика суд тиббий экспертиза илмий ама-

лий маркази ва Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистика бўлимида 2015-2021 йилларда номаълум мурдалардан олинган тўш суягини шаклланиш жараёнида ҳар хил ўзгаришларга учрашини ҳисобга олган ҳолда, суякланишни ўзига хос хусусиятлари, ривожланиши йиллар давомида ўзгаришларга учрашиши ва тўш суягининг турли қисмларини бирлашишини ўрганиш орқали, таҳлил қилиниб ёшни аниқлаш ўрганилди.

Номаълум бўлган мурдаларни шахсини айнанлигини ўрганиш учун асосан остеоскопик, остеометрик ва рентгенографик текширувлар ўтказилади. Номаълум мурдаларни ёшини аниқлаш учун турли усуллар ва схемалар қўлланилиши мумкин. Скелет суяк қолдиқларининг ёшини аниқлашда ҳар бир суякларда ўзига хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Скелет суяклари ўсишидаги ўзгаришлар ёшни баҳолашнинг энг муҳим мезонидир.

**Тадқиқот натижалари.** Номаълум мурдалардан олинган парчаланиб синган суяклар ва деформацияланган суяклар тадқиқот таҳлилларидан чиқарилди. Таҳлил учун ишлатиладиган остеометрик параметрлар:

1. Тананинг сегментлари ўртасида;
2. Тўш суяги дастаси ва танаси ўртасида
3. Ханжарсимон ўсиғи ва тана ўртасида.

Тадқиқотимизда 10 ёшдан токи 60 ёшдан юқори бўлган мурдалардан олинган тўш суяклари текширув натижалари таҳлил қилинди.

**1-жадвал.****Номаълум мурдалардан олинган тўш суягининг ёш бўйича текширувлар таҳлили**

№	Ёши	Сони
1	10-19 ёш	9 та
2	20-29 ёш	46 та
3	30-39 ёш	156 та
4	40-49 ёш	285 та
5	50-59 ёш	363 та
6	60 ёшдан юқори	252 та

**2-жадвал.****Мурдалардан олинган тўш суякларини жинс бўйича таҳлили**

№	Йил	Эркак	Аёл
1	2015	179	46
2	2016	216	59
3	2017	210	46
4	2018	118	25
5	2019	36	8
6	2020	55	11
7	2021	84	18
	ЖАМИ	898	213

Тўш суяги - ясси суяк-тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, фронтал юзада жойлашади, ҳамда дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат бўлган, оч жигаррангли бўлади. Тўш суяги кўз билан текширилди ва унинг турли қисмларининг бирлашиши ва бирикмаслиги кузатилди.

Тўш суяги танаси 1 - 2; 2- 3, 3-4 сегментлар ўртасидаги бирлашиш 14-16 ёшдан бошланиб ва 25 ёшга келиб сег-

ментлар тўлиқ бирлашади. Бизнинг таҳлилимиз натижаларига кўра, 25 ёшдан ошган деярли барча ҳолларда тўш суягининг танасининг барча сегментлари ўртасида тўлиқ суякланиш жараёни кузатилди. Эркаклар ва аёллар ўртасида тўш суягининг сегментларининг суякланиш жараёни, ёшида диярли ҳеч қандай фарқ кузатилмади (1- ва 2-расмларга қаранг).




**1-расм.** Тўш суяги танаси тўлиқ сегментларининг кўриниши



**2-расм.** Тўш суяги сегментларининг суякланган ҳолати

Тўш суяги дастак қисмининг танаси билан суякланиш жараёни таҳлил натижаларига кўра, эркакларда 30-35 ёшгача ва аёлларда 40- 43 ёшгача кузатилмади, аммо улар қариликда ҳам

бирга қўшилиб суякланмаган ҳолатлари ҳам кузатилди. Бу кузатувларни ўтган олдинги тадқиқотлар ҳам тасдиқлаши мумкин (3- расмга қаранг).



**3-расм. Дастак қисмининг танаси билан бирлашиш соҳасини кўриниши**

Тўш суяги танасининг ханжарсимон ўсиғи билан қўшилиши таҳлил натижаларига кўра, эркакларда 30 ёш-

гача ва аёлларда 40 ёшгача кузатилмаган (4- ва 5-расмларга қаранг).



**5-расм. Танасини ханжарсимон ўсиғи билан бирлашиши**



**6-расм. Танасини ханжарсимон танаси билан бирлашмаганлиги**

Тадқиқот натижаларига кўра, тўш суягининг дастак қисминининг танаси билан ва ханжарсимон ўсиғининг танаси билан бирлашиши жинсидан қатъий

назар, 30 ёшдан 60 ёшгача бўлган ҳар қандай ёшда ҳам содир бўлиши мумкинлиги кузатилди (7- ва 8-расмларга қаранг).



**7- ва 8-расмлар. Дастак қисмини танаси ва ханжарсимон ўсиғини танаси билан тўлиқ бирлашиши**

**Хулоса:** Юқоридаги таҳлилларга асосланиб, шундай хулоса қилишимиз мумкинки, биз ёшни аниқлашнинг аниқлигини ошириш учун скелет суяк қолдиқларидан бир дона тўш суягини ўрганиш йўли билан, тўш суягининг айрим хусуиятларини баҳолаш орқали, инсон ёшни аниқлашдаги асосий қийинчиликни енгишига ёрдам бериши мумкин. Ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, суд тиббиёти амалиётида шахси номаълум инсонлар ёшини баҳолаш учун энг қўлай суяк бўлиб ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

- 1.Абрамов, С.С. Медико-криминалистическая идентификация// Настольная книга судебно-медицинского эксперта.- М.: Норма-Инфра, 2000. - 465 с.
2. Пиголкин Ю. И. «Определение возраста человека по костной ткани». // Судебно-медицинская экспертиза- 2012. - Т. 55. № 1. - С. 49-52.
3. Малыха В.А., Эделев Н.С., Тучик Е.С. Судебно-медицинские критерии определения возраста по щитовидному хрящу при идентификации личности детей. // Вестник судебной медицины.- Новосибирск, 2019. - №1. - С. 20-23.
4. Потеряйкин Е.С., Авдеев А.И. Судебно-медицинское значение особенностей строения костной ткани при выраженных дистрофических изменениях костного органа //Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2021. - №20. - С. 120-121.
5. Полетаева М.П., Гельгульдиев Г.Г. Последовательность окостенения хрящей гортани человека // Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2021. - №20. - С. 117-120.
- 6.Чертовских А.А., Тучик Е.С. Возрастные изменения суставной впадины лопатки //Судебно-медицинская экспертиза. - М., 2019.- №2.- С. 31-33.
- 7.Звягин В.Н., Анушкина Е.С. Определение возраста детей по фрагментам свода черепа с использованием современных методов исследования// Судебно-медицинская экспертиза. - М., 2018. - №6. - С. 13-16.
- 8.Григорьева М.А. Определение варианта массивности скелета и вероятного типа телосложения при идентификации личности по костным останкам// Судебно-медицинская экспертиза. 2001. - № 4. - С.22-28.
9. Григорьева М.А. Применение дискриминантного анализа в оценке соматотипа человека по длинным костям конечностей //Судебно-медицинская экспертиза. 2004. - № 1. - С. 28-31.
- 10.Звягин В.Н., Галицкая О.И. и др. Краниометрическая диагностика массивности скелета и соматотипа //Судебно-медицинская экспертиза. 2002. - № 5. - С. 7-12.
11. Синельников Р.Д., Синельников Я.Р. «Атлас анатомии человека». М.: Медицина, 1996. - Т. 1. - 343 с.
12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 1 июндаги 153-сон буйруғига 5-илова - “Тиббий-криминалистик экспертиза ва текширувлар ўтказиш қоидалари”.
13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғига илова - “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертизаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”.